

## 2020-2021 ўқув йили битирувчиларини ишга тақсимлаш бўйича “Карьера куни-2021” меҳнат ярмаркаси ўтказилди

“Карьера куни-2021” меҳнат ярмаркасида Бухоро шаҳар бандлик бошқармаси Б.Махмудов, Бухоро вилоят ер лойиҳа бўлинмаси ходимлар бўлими бошлиғи Л.Авезова, Бухоро ҳудудий электр тармоқлари ходимлар бўлими бошлиғи Ж.Рўзиев, Бухоро вилояти кадастр агентлиги ходимлар бўлими инспектори С.Рўзиева, Бухоро шаҳар “Ўздаверлойиҳа” ходимлар бўлими мудир Х.Самадова, “Шофиркондавсуммаксуспудрат” ДУК ходимлар бўлими инспектори А.Саидов, “Бухородонмаҳсулотлари” АЖ ходимлар бўлими инспектори Р.Саидахмедов, “Амубухороканалқурилиш” АЖ раис муовини М.Бабаев, “Бухоросувхизмат” МЧЖ ходимлар бўлими бошлиғи М.Раджабова,



Бухоро вилояти ДУК муҳандиси Ў. Сувоқова, Аму Бухоро ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ходимлар бўлими бошлиғи А.Жўраев, “Ромитандавсуммаксуспудрат” ДУК ходимлар бўлими инспектори Н.Мамурова, “Бухородавсуммаксуспудрат” ДУК ходимлар бўлими инспектори Р.Ахмедова, “Ўнгқирғоқ” коллектори тизимидан фойдаланиш бошқармаси ходимлар бўлими инспектори И.Маматназаров, Аму Бухоро ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги насос станциялари ва энергетика бошқармаси ходимлар бўлими бошлиғи Р.Рахмонов, “УЗСАСЕ” сервис О.Алоев, “Бухоро телерадиоканали” вакиллари, мухбирлари ва бир қатор бошқа иш берувчи корхона, ташкилот ва муассасалар вакиллари.



ТИҚХММИ Бухоро филиалидан: барча директор ўринбосарлари, деканлар ва кафедра мудирлари, Режа ва молия бўлими, Кадрлар бўлими ҳамда бакалаврият таълим йўналишлари бўйича битирувчи талабалари қатнашишди. ТИҚХММИ Бухоро филиалида ташкил этилган “Карьера куни-2021” меҳнат ярмаркасида 98% битирувчилар иш берувчилар билан меҳнат шартномаларини тузишди. “Карьера куни-2021” меҳнат ярмаркаси ўз мақсадига эришди деб бемалол айта оламиз!

**ТИҚХММИ Матбуот хизмати**